

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**582** Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда минтақада ишлаб чиқариш, мавжуд техника ва технологиялардан фойдаланиш, хизмат кўрсатишнинг асосий тармоқларини ривожлантириш, муҳандислик таълимини ривожлантиришда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этишни янада такомиллаштириш ва сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон қарорига мувофиқ Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали (кейинги ўринларда Тошкент давлат техника университети Термиз филиали деб аталади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

транспорт тизимлари ва йўллари ҳамда уларнинг эксплуатацияси, кимёвий технология, бино ва иншоотлар қурилиши ва материаллари, озик-овқат технологияси, технологик машина ва жиҳозлар, енгил саноат технологияси, экология ва саноат хавфсизлиги соҳаларида юқори малакали мутахассисларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

иктисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг илмий-технологик вазифаларини ҳал этишга, илғор хорижий технологияларни синаб кўриш ва жорий этишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотларни олиб бориш ва ишланмаларни амалга ошириш;

хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибасини ва мамлакат иқтисодиёти талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда тегишли муҳандислик-техник ва ишлаб чиқариш йўналишлари ҳамда мутахассисликлар бўйича илмий-услубий адабиётларни ишлаб чиқиш;

қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, илмий-таълим жараёнига чет эллик мутахассисларни жалб этиш мақсадида техника соҳасидаги етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

3. Тошкент давлат техника университети Термиз филиалига ҳар йилги талабаларни қабул қилиш сони белгиланган тартибда тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталаридан келиб чиққан ҳолда белгилансин.

4. Қуйидагилар:

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиалини ташкил этиш, унинг моддий-техник ва илмий-педагогик базасини таъминлаш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирига, зарур ҳолларда, Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 1 сентябргача:

Тошкент давлат техника университети Термиз филиалини танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Тошкент давлат техника университети Термиз филиалида ўқув-методик жараённинг ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўқув адабиётлари, замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

6. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Термиз шаҳри, Султон Саодат кўчаси, 288 «а»-уйда жойлашган Термиз давлат университети қошидаги Термиз академик лицейининг бинолари ва иншоотлари ҳудудлари билан Тошкент давлат техника университети Термиз филиалига оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул фойдаланишга бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Термиз давлат университети қошидаги Термиз академик лицейи Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг биноларида ижара тўловисиз жойлашади.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг 2019 йилга ва кейинги йилларга параметрларини шакллантиришда Тошкент давлат техника университети Термиз филиали объектларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент давлат техника университетининг Термиз филиалини сақлаш харажатлари 2017 йилда «Маориф» соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2018 йилдан бошлаб эса мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

9. Қуйидагилар Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари ва мақсадли бадаллари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент давлат техника университети Термиз филиалига 2 та, шу жумладан 1 та хизмат ва 1 та махсус енгил автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат техника университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 майдаги ПҚ-2524-сон қарорининг 1-илоvasи матни 3-иловага мувофиқ тахрирда баён этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 29 июнь,
ПҚ-3101-сон

**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг
ТУЗИЛМАСИ***



* Филиал (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 29 июндаги
ПҚ-3101-сон қарорига
2-ИЛОВА

582-модда

**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиалини ташкил этиш,
унинг моддий-техник ва илмий-педагогик базасини таъминлаш чора-тадбирлари
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
I. Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш				
1.	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали (кейинги ўринларда Филиал деб аталади)ни ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш.	2017 йил август	-	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Турдимов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Тошкент давлат техника университети Термиз филиали (Лавозими бўйича)
2.	Филиалнинг штатлар жадвали ва харажатлари сметасини тузиш ва тасдиқлаш.	2017 йил август	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Тошкент давлат техника университети Термиз филиали (Лавозими бўйича)
3.	Филиални юқори малакали раҳбар кадрлар билан таъминлаш.	2017 йил август	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Тошкент давлат техника университети (Туробжонов)
4.	Филиалнинг Васийлик кенгаши таркибини тасдиқлаш, унга кадрларнинг потенциал истеъмолчилари — вилоят корхоналари ва ташкилотлари, вазирликлар ва идоралар вакилларини киритиш.	2017 йил август	-	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Турдимов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Тошкент давлат техника университети (Туробжонов)
5.	Филиал профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида республиканинг бошқа ҳудудларидан таклиф этилган олим ва мутахассисларни турар жой билан таъминлаш мақсадида Термиз шаҳрида қурилаётган арзон уй жойлардан имтиёзли шартлар асосида ажратиш: 2017 йил — 25 та; 2018 йил — 20 та; 2019 йил — 20 та; 2020 йил — 15 та.	2017 — 2020 йиллар	Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари	Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Турдимов), Термиз шаҳар ҳокимлиги (Худайбердиев)


— 36 —

26 (786)-сон

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
II. Ислол Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг моддий-техника базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш				
6.	Филиалга ажратилган Термиз шаҳри, Султон Саодат кўчаси, 288 «а»-уй манзилда жойлашган Термиз давлат университети қошидаги Термиз академик лицейининг бинолари ва иншоотларида таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	2018 йилдан бошлаб	Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Турдимов), Молия вазирлиги (Ходжаев)
7.	Филиал таълим йўналишлари (мутахассисликлари)га мос замонавий ўқув лаборатория базасини ташкил этиш.	2018 йил сентябрь	Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Турдимов), Молия вазирлиги (Ходжаев)
III. Ислол Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг ўқув-методик ва педагогик таъминотини ташкил этиш				
8.	Филиалнинг таълим йўналишларини (мутахассисликларини) тасдиқланган ўқув режалари ва фанлар дастурлари ҳамда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш.	2017 йил август	-	Тошкент давлат техника университети (Туробжонов)
9.	Филиалда махсус фанлар бўйича машғулотлар олиб боришга жалб қилиш учун Тошкент давлат техника университети ва Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларидан малакали педагог кадрлар таркибини шакллантириш.	2017 йил август	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Тошкент давлат техника университети (Туробжонов)
10.	Филиални ўқув-методик адабиётлар, ахборот материаллари (шу жумладан уларнинг электрон вариантлари), махсус даврий нашрлар билан таъминлаш. Филиалнинг ахборот-ресурс марказини ташкил этиш.	2017 йил октябрь	Филиалнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари, Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Тошкент давлат техника университети (Туробжонов)
11.	Тошкент давлат техника университети профессор-ўқитувчилари томонидан маърузалар ўқиш учун Филиалда масофадан ўқитиш элементларини жорий этиш учун техник, дастурий ва методик шарт-шароитлар яратиш.	2018 йил декабрь	Филиалнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари, Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Тошкент давлат техника университети (Туробжонов)
12.	Филиал кафедраларининг илмий тадқиқотлари йўналишларини белгилаш, грантлар жалб этишни ва хўжалик шартномаларини бажаришни ташкил этиш.	2018 — 2023 йиллар	Давлат грантлари ва хўжалик шартномалари бўйича тушган маблағлар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Тошкент давлат техника университети (Туробжонов)

Т/р	Тадбирлар мазмуни	Бажариш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Бажариш учун масъуллар
13.	Минтақанинг етакчи корхоналари ва ташкилотлари билан бирга қўшма илмий-тадқиқот ва илмий-методик ишланмаларни ташкил этиш.	2018 йилдан бошлаб	-	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Фанлар академияси (Юлдашев), Тошкент давлат техника университети (Туробжонов)
14.	Филиал профессор-ўқитувчиларини Тошкент давлат техника университетида ва чет эл олий таълим муассасаларида малака ва тажриба орттиришларини ташкил этиш.	2018 йилдан бошлаб	Филиалнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари, «Истеъдод» жамғармаси маблағлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Тошкент давлат техника университети (Туробжонов), «Истеъдод» жамғармаси (Пардаев)
15.	Ахборотлар, тўпланган тажриба ва мутахассисларнинг кенг алмашинувини таъминлаш. Филиалда маърузалар ва махсус машғулотларни ўтказиш учун етакчи хорижий таълим ва илмий муассасаларнинг юқори малакали олимларини таклиф этиш.	Доимий равишда	Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари, халқаро ташкилотлар, хорижий таълим ва илмий муассасаларнинг грантлари	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Тошкент давлат техника университети (Туробжонов), Тошкент давлат техника университети ҳузурида Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация маркази (Махмудов)

«Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг
ТУЗИЛМАСИ*»



* Университет (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.

** Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт маблағларидан ташқари) ҳисобидан сақланади.